



THE INVESTIGATING JUDGE - A FACTOR IN ENSURING CONSTITUTIONAL RIGHTS THROUGH THE COURT

Omonov Zafarjon Rakhmonalievich

Chairman of the Andijan District Court
for Criminal Cases of Andijan Region

Doctor of Philosophy (PhD) in Law

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14836908>

ARTICLE INFO

Received: 02nd February 2025

Accepted: 07th February 2025

Online: 08th February 2025

KEYWORDS

Investigative judge, criminal procedural law, judicial oversight, individual rights, pre-trial proceedings, fairness in criminal process, constitutional rights, investigation process.

ABSTRACT

This article analyzes the role and significance of the investigative judge institution in criminal procedural law. Introduced within the framework of judicial and legal reforms in Uzbekistan, this new institution is aimed at protecting individuals' rights and freedoms at the pre-trial stage of criminal proceedings.

СЛЕДСТВЕННЫЙ СУДЬЯ - ФАКТОР ОБЕСПЕЧЕНИЯ КОНСТИТУЦИОННЫХ ПРАВ ПОСРЕДСТВОМ СУДА

Омонов Зафаржон Рахмоналиевич

Председатель Андижанского районного суда
по уголовным делам Андижанской области

Доктор философии (PhD) по юридическим наукам

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14836908>

ARTICLE INFO

Received: 02nd February 2025

Accepted: 07th February 2025

Online: 08th February 2025

KEYWORDS

Следственный судья, уголовно-процессуальное право, судебный контроль, права личности, досудебное производство, справедливость уголовного процесса, конституционные права, следственные действия.

ABSTRACT

В данной статье анализируется роль и значение института следственного судьи в уголовно-процессуальном праве. Этот новый институт, введённый в рамках судебно-правовых реформ в Узбекистане, направлен на защиту прав и свобод личности на досудебной стадии уголовного процесса.



ТЕРГОВ СУДЬЯСИ – КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРНИ СУД ОРҚАЛИ ТАЪМИНЛАШ ОМИЛИ

Омонов Зафаржон Рахмоналиевич

Андижон вилояти жиноят ишлари бўйича Андижон тумани суди раиси,

Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори PhD

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14836908>

ARTICLE INFO

Received: 02nd February 2025

Accepted: 07th February 2025

Online: 08th February 2025

KEYWORDS

Тергов судьяси, жиноят-
процессуал қонунчилиги, суд
назорати, шахс ҳуқуқлари,
судга қадар иш юритиш,
жиноят процессининг
адолатлилиги,
конституциявий ҳуқуқлар,
тергов жараёни.

ABSTRACT

Мазкур мақолада тергов судьяси институтининг
жиноят-процессуал қонунчилигидаги ўрни ва
аҳамияти таҳлил қилинган. Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ
ислохотлари доирасида жорий этилган ушбу янги
институт жиноят ишлари бўйича судга қадар иш
юритиш босқичида шахсларнинг ҳуқуқ ва
эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган том маънодаги демократик
ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири – суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи
органлар фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари
ҳимоясининг кафолатларини кучайтириш бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июндаги ПФ-89-сон
“Тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини
ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари
тўғрисида”ги фармонида кўра, мамлакатимиз суд тизими тарихида илк бор 2025 йил 1
январдан жиноят-процессуал қонунчилигида тергов судьялари фаолияти жорий
этилади.

Қонунчилигимизга биноан, прокурор дастлабки тергов ва суриштирувда
процессуал раҳбар ҳисобланади. Шу билан бирга мазкур иш мобайнида қонунларга риоя
этилишини назорат қилувчи мансабдор вазифасини ҳам бажаради. Бу ўринда,
мутахассислар ҳамда жамоатчилик томонидан давомли эътирозларга сабаб бўлган
савол ойдинлашади. Яъни, тергов раҳбари ҳисобланган мансабдорнинг қай тарзда уни
холисона олиб борилишини назорат қилиши мумкин? Тергов судьялари эса ушбу
саволга амалда ечим бўлиб хизмат қилади.

Айни пайтда шахсни қамоққа олишга рухсат, яъни санкциялар судлар томонидан
берилмоқда. Амалиёт таҳлили кўрсатаптики, аксарият ҳолларда прокурорлар
томонидан шахсни қамоққа олиш учун санкция бериш билан боғлиқ киритилаётган
илтимосномалар қаноатлантирилади. Бизнингча, бу тергов устидан суд назоратининг
пастигидан далолат беради. Яъни, жиноят иши юзасидан қамоққа олишга рухсат
берган судья кейинчалик мазкур ишни кўрганда қамоқдаги шахснинг айбдор



эканлигига чуқурроқ урғу беради. Сабаби, судья қамоққа олишга санкция бериш жараёнида шахсининг жиноят содир этганига ички ишонч ҳосил қилган бўлади.

Шу ўринда ушбу муҳим институтни амалиётда қўллаш ва уни бекор қилиш тўғрисида қуйидаги фикр-мулоҳазаларни ҳамда таклиф-тавсияларни билдириш мақсадга мувофиқ:

биринчидан, бугунги кундаги амалиёт қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини судьялар томонидан қўллаш самарадорлигини янада ошириш заруриятини кўрсатмоқда. Бунинг учун дастлабки тергов ва прокуратура органларининг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш учун судга юборган илтимосномасида бошқа енгилроқ эҳтиёт чорасини қўллаш имкони йўқлигини исботловчи етарлича асосланган хулосаларини киритишлари шартлигини қонунчиликда белгилаш лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 236-моддасини қуйидаги тўртинчи хатбоши билан тўлдириш таклиф этилади:

дастлабки тергов ва прокуратура органлари қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш учун судга юборилган илтимосномасида қамоқ эҳтиёт чорасини қўллаш зарурлигини исботловчи асосланган, мақбул далилларни келтириши шарт;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси 240-моддасида назарда тутилган “Эҳтиёт чорасини суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг қарори билан бекор қилиш ёки ўзгартириш” тўғрисидаги нормани чиқариш таклиф этилади. Чунки, эҳтиёт чорасини қўллаш учун санкция судья томонидан берилади. Эҳтиёт чорасининг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши ҳам фақат эҳтиёт чорасини қўллаган орган томонидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ;

учинчидан, тергов судьяси томонидан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ илтимоснома; қамоқда сақлаш ёки уй қамоғи муддатини узайтириш масалалари билан боғлиқ илтимоснома; паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимоснома; мурдани эксгумация қилиш ҳақидаги илтимоснома; почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги илтимоснома; тинтув ўтказиш ҳақидаги илтимоснома; телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш ҳақидаги илтимоснома; мол-мулкни хатлаш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқирилиши тўғрисидаги нормалар ўзининг аксини топиши керак.

Бундан ташқари, жиноят ишларини судларда мазмунан кўриш жараёнида, судланувчилар дастлабки терговда уларга нисбатан босим ўтказилиб ноқонуний ҳаракатлар юз берганидан шикоят қилиб, уларни айблаш учун асос бўлган далиллар ноқонуний тўпланганини билдириб, ушбу далилларни айбловдан чиқаришни талаб қилишади. Мазкур ҳолатлар судья фаолиятида муайян муаммони туғдириши мумкин. Чунки, судда ушбу важларни текшириш, экспертиза тайинлаш ёки бошқа йўллар билан далиллар тўплаш, келтирилган сабабларни текшириш орадан анча вақт ўтиб кетганлиги туфайли иложсиз ҳолга келиб қолган бўлади. Шунингдек, судьянинг тергов ёки суриштирув органига ишонмаслигига етарли асослар ҳам бўлмайди.

Таҳлилий рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, бугунги кунда фуқаролар томонидан энг кўп шикоят тергов идоралари устидан берилмоқда. Бу сабаб ҳам ушбу



орган устидан доимий назорат ўрнатилиши ва катта эътибор қаратилиши зарурлигини кўрсатади.

Тергов судьяси юқоридаги каби салбий ҳолатлар, қонунбузишларнинг олдини олади. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, адвокат далиллар тўплаб терговчига ишга қўшиш ёки текшириш учун беради, аммо терговчи буни текширмайди. Боиси, у далилларни айблов нуқтаи назаридан баҳолайди. Халқаро тажрибага асосан, ҳимоячи томонидан берилган шикоятга мувофиқ, шу онда тергов судьяси ишга киришади ва далилларни текшириш мажбуриятини лозим бўлса терговчига юклайди ҳамда бу жараёни назорат қилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тергов судьяси айблов томони билан оқловчининг ўртасида кўприк бўлиб терговга қадар текширув, суриштирув, тергов идоралари прокурорга боғлиқлигига барҳам беради.

Жиноят ишини кўриб чиқувчи судьянинг тергов вақтида санкцияларга рухсат бериш каби ваколатларининг олиниши унинг иш ҳажми камайтириб, иш сифатининг ошишига хизмат қилади. Бу эса ушбу судьяларнинг жиноят ишини объектив, холисона кўриб чиқишини таъминлайди.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 28 январь кунидаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎПҚ-1022-сон Қонуни // URL: <https://lex.uz/docs/7347837> (Мурожаат этилган сана: 06.02.2025)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июнь кунидаги “Тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-89-сон Фармони // URL: <https://lex.uz/uz/docs/6964387> (Мурожаат этилган сана: 06.02.2025).
3. Қозоғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси // URL: https://adilet.zan.kz/kaz/docs/Z970000206_